

Birgalikda ijtimoiy davlat saril!

№33

2024-yil
21-avgust, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



✓ Сайлов — 2024

Шу йил 27 октябрь куни ўтадиган сайлов аввалгиларидан анча катта ва муҳим бўлади. Биз бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодларни сайлаймиз.



40 МИНГДАН ОРТИҚ ИМЗО ТОПШИРИЛДИ

✓ Парламент фаолияти

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда аҳоли манфаатлари устуворлигини таъминлашга дахлдор қатор лойиҳалар муҳокама қилинди. Бевосита инсон саломатлиги, руҳияти, хавфсизлиги, тинчлиги ва кайфиятига таъсир қилувчи омилларга қарши курашиш, бу борадаги хатарларнинг олдини олиш масалаларида таклифлар билдирилди, баҳс-мунозаралар ўтказилди.



ДАВР ТАЛАБИ

4

✓ Дастур ва ижро



Ҳаммаси кўз ўнгимизда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сўнгги беш йилда Сайловолди дастурини амалга оширишга қаратилган энг муҳим ташаббусларини таҳлил қилишда давом этамиз.

Бу гал ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим соҳаларидан саналган таълимдаги тенглик ҳамда тиббий хизматнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш йўлидаги фаолиятига назар ташлаймиз.

Партиямиз фаолларининг айтишича, бу йилги сайловга ХДП айнан ушбу йўналишларда бир қатор амалий натижалар билан кириб бормоқда.

7

ДАВЛАТ БОШ ВА МАСЪУЛ

Ижтимоий тенглик Халқ демократик партияси дастурий мақсадларининг устувор мезонларидан бири ҳисобланади.

Мутахассислар ҳар бир давлат ва халқнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ривожланиши учун бу масалани муҳим, деб ҳисоблайдилар.


Чунки ижтимоий тенгсизлик, аҳоли турли қатламлари ўртасидаги кескин тафовутлар жамият ҳаётини издан чиқариши, ижтимоий тангликни юзага келтириши мумкин. Иқтисодиётнинг барқарор равнақ топиши учун давлат ижтимоий адолатни таъминлаши, бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоя механизмларининг кенг қамрови ва изчиллигини кафолатлаши керак.

Халқ демократик партияси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий сиёсатга урғу бериб келаётгани замирида ана шу ҳақиқат турибди.

5

✓ Сиёсий пульс: муносабат

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КАТТА ИМКОНИАТЛАР МАКОНИ



Азал-азалдан ўзбек ва қорақалпоқ бир-бирига энг яхши дўст, энг яқин қардош сифатида яшаб, суяниб келган. Халқларимиз ўртасидаги ишонч, юксак ҳурмат ва биродарликнинг илдизлари ниҳоятда мустаҳкам. Шунинг учун ҳам инсонни қадрлашга хизмат қиладиган эзгу ташаббус ва ҳаётий лойиҳалар ҳар доим Қорақалпоғистондан бошланади.

Шу йилнинг 19 август куни Президентимизнинг Қорақалпоғистонга навбатдаги ташрифи ҳам катта ишлар, катта ислохотлар бошланиши учун муҳим қадам бўлди.

2 САҲИФАДА

✓ Истиқлол имкониятлари

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАЪЛИМ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллиги юртимиз бўйлаб ўзгача шуқуҳ ва катта тантана билан нишонланмоқда. Албатта, бундай қўтлуғ кун арафасида ҳар бир соҳа вакилининг кўнглидан нималарга эришдик, қандай ютуқларни қўлга киритдик, деган ўй ўтиши табиий.

6 САҲИФАДА

3 минг метр баланддаги “туя изи”

Улкан ва азим тоғларга чиқиш учун 1 километрли махсус йўлакча қурилганини кўпчилик кўрмаган. 1 минг 300 га яқин зинапоялар борлигини эшитмаганлар топилади орамизда. Денгиз сатҳидан 3 метр баланддаги қоятошда “туя изи” мавжудлигини тасаввур қилиш мушкул...

Хуллас, шов-шувларга сабаб бўлиб келаётган мўъжизали манзил сир-синоатлари билан танишиш мақсадида сўлим Сароисиё томон йўл олдик.

Туман марказидан қарийб 60 қақиримча юргандан кейин “Сангардак” қишлоғи қарши олди.

8 САҲИФАДА

СИЙОСИЙ ПУЛС: МУНОСАБАТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАКОНИ

АЗАЛ-АЗАЛДАН ЎЗБЕК ВА ҚОРАҚАЛПОҚ БИР-БИРИГА ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ, ЭНГ ЯҚИН ҚАРДОШ СИФАТИДА ЯШАБ, СУЯНИБ КЕЛГАН. ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ, ЮКСАК ҲУРМАТ ВА БИРОДАРЛИКНИНГ ИЛДИЗЛАРИ НИҲОЯТДА МУСТАҲКАМ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ИНСОННИ ҚАДРЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ЭЗГУ ТАШАББУС ВА ҲАЁТИЙ ЛОЙИХАЛАР ҲАР ДОИМ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН БОШЛАНАДИ. ШУ ЙИЛНИНГ 19 АВГУСТ КУНИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА НАВБАТДАГИ ТАШРИФИ ҲАМ КАТТА ИШЛАР, КАТТА ИСЛОХОТЛАР БОШЛАНИШИ УЧУН МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ.

124 ЛОЙИХА, 20 МИНГ ИШ ЖОЙИ

Бу йил республикада умумий қиймати 874 миллион долларлик 470 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистонда хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан умумий қиймати 9,5 миллиард долларлик 124 та лойиҳа шакллантирилган. Шундан қарийб 1 миллиард 800 миллион долларлик 10 таси давлатимиз раҳбарига тақдимот қилинди.

Лойиҳаларга Хитой, Саудия Арабистони, Германия, Россия, Испания каби мамлакатлар компаниялари инвестиция киритмоқда. Улар энергетика, иссиқлик таъминоти, тоғ-кон ва кимё саноати, қурилиш материаллари, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларни қамраб олган.

124 та лойиҳа натижасида 20 мингдан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади. Давлатимиз раҳбари ишбилармонларга ҳар томонлама мададкор бўлиб, лойиҳаларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

ЯНГИЧА ИНДУСТРИЯ

Қорақалпоғистон Республикасида шамол электр станциялари ва саноат қорхоналари қурилиши бошланди, савдо мажмуалари ишга туширилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президент Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожига ҳақида сўзлади.

Таъкилдандики, Қорақалпоғистонда чет эл капитали билан ташкил этилган қорхоналар сони ҳам кўпайиб бормоқда. 2017 йилда 73 та хорижий ва қўша қорхона бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 175 тага етди.

Ҳозирда ҳудуд иқтисодиётига туртки берувчи қарийб 9,5 миллиард долларлик 120 дан ортиқ янги йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Улар 2025-2028 йилларда босқичма босқич ишга туширилади. Натижада 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни, 12 триллион сўмлик ишлаб чиқариш қуввати ва бюджетга 500 миллиард сўм қўшимча тушум яратилади.

Давлатимиз раҳбари қурилиши бошланган ва ишга туширилаётган мажмуаларнинг аҳолига ҳақида тўхталди.

Шу куннинг ўзида Президентимиз рамзий тугмани босиб, янги иншоотларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди. Барчани мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга эга ушбу лойиҳалар билан табриклади.

ИМКОНИЯТЛАР ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Кегейли туманида 19 август куни Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Масалан, йил бошидан бери Қорақалпоғистонга 1 миллион 300 минг сайёҳ келган. Лекин, меҳмонхона ўринлари кам. Агар ер берилса, тадбиркорлар замонавий меҳмонхона ва конгресс холл қуриш истагини билдирган.

Нукус шаҳрида жойлашган "Аччиққўл" атрофидаги 20 гектарда турар жой, замонавий меҳмонхона ва дам олиш масканларини ташкил қилиш мумкин. Дўстлик ва Кегейли каналлари, Хўжайлидаги "Тасли жап" ва "Ширин жап" каналлари бўйида савдо ва кўнгилочар маскан ташкил этса бўлади. Амударё, Тўртқўл, Берунийда ҳам туристларни жалб қилиш бўйича жуда катта салоҳият бор.



Давлатимиз раҳбари бундай имкониятларни ишга солиб, иқтисодий ривожлантириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Мутасаддиларга тадбиркорлар билан ишлаб, ҳар бир туман кесимида "Қорақалпоғистонда бизнес қилинг" дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Бу дастур Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун янги нафас, камида 10 миллиард долларлик инвестиция ва 500 минг иш ўрни учун катта замин бўлади.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Кеча Қорақалпоғистон юртимизнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркор ва инвесторларни эзгу мақсад ва самимий мулоқотга чорлади. Унда хорижда бизнесини йўлга қўйган ватандошларимиз ҳам катта давранинг катта масалалар муҳокама этиладиган даврасида бевосита қатнашишди. Худудий студиялардан ҳам 3 мингга яқин бизнес вакиллари иштирок этганининг ўзи ҳам ушбу очик мулоқотнинг қамрови нақадар кенг эканини яққол кўрсатди, дейиш мумкин.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Мулоқотда кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш масаласи кўриб чиқилди. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш учун янги тизим жорий қилинган эди. Бу борада Бизнесни ривожлантириш банки ва Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси ташкил этилиб, йил бошидан 35 мингдан ортиқ тадбиркорларга жами 3,5 триллион сўм микрокредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, "Бизнесга биринчи қадам" дастури бўйича тадбиркорликни энди бошлаётган 115 минг аҳолига 1 триллион сўмлик микроқарзлар берилди. Ушбу тажриба янада кенгайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш масаласи ҳам муҳокама марказида бўлди. Очик мулоқот доирасида келиб тушган 11 мингта мурожаатдан 2 мингтаси ер ва инфратузилма билан боғлиқ. Жойларда ўтказилган сўровда ҳам 55 фоиз тадбиркор электр энергияси, газ таъминотида, тармоққа уланишда муаммо борлигини айтган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ер ва мулкка ёндашувлар бутунлай ўзгарди, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Лекин ердан инвестиция сифатида фойдаланиш тизими ҳали орқада экани кўрсатиб ўтилди.



Бибихан УТАМБЕТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

– Ҳар галгидек давлатимиз раҳбари Қорақалпоққа кўпдан-кўп истиқболли режалар билан келди. Бу бизни янги марралар сари руҳлантирди.

Мени энг қувонтиргани нима, биласизми? Мутасаддиларга тадбиркорлар билан ишлаб, ҳар бир туман кесимида "Қорақалпоғистонда бизнес қилинг" дастурини тайёрлаш вазифаси қўйилди. Бу дастур Қорақалпоғистонда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматларни ривожлантириш учун янги нафас олиб келади.

Қорақалпоқ элининг эртаси бугунидан яхши бўлиши учун катта марраларга ишора бу. Бошланган ишлар, албатта, бажарилди, кўплаб энгилликлар олиб келади, одамлар шундай бўлишига ишонади.

Йиғилишда айтилганидек, бунинг учун барча ҳамжиҳат бўлиб, фидокорона меҳнат қилиши зарур. Бу масалада депутатлар ҳам талабчан бўлиши лозим. Биз, партия фаоллари ҳамда депутатлар белгиланган вазифалар ижроси бўйича жамоатчилик назоратини кучайтиришимиз керак. Бунинг учун бизда ҳуқуқий ваколат ва жамоатчилик олдида, албатта, мажбурият бор. Чунки партия фаолиси сийсий уйғоқ шахс бўлиши, амалий ҳаракатларимиз билан намуна бўлишимиз зарур.



Назира МАТЌУБОВА,
"Қорақалпоғистон тонги" газетаси
бош муҳаррири, Жўқорғи Кенгесдаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Давлат раҳбари доим таклифларга очик экани, уларни қўллаб-қувватлашга тайёр экани мени ҳайрон қолдиради, бундан ғурурланаман. Мулоқотда амфитеатр қуриш таклифим маъқулланди, қанча ижодкорларнинг кўнгли кўтарилди деган бўлди.

Тадбиркорлар билан очик мулоқотнинг Оролбўйида ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бу яхши тажрибаларни ўзлаштириш, янгича ғоя ва бунёдкорликлар билан яшаётган элимизни руҳлантириш, тадбиркорликка иштиёқи бор юртдошларимизни янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Очик мулоқотни халқ вакили сифатида диққат билан тингладим. Чунки сайловчилар билан учрашувларда бизнесни юритиш, иш бошлаш билан боғлиқ жуда кўп саволлар бўлади, бу масалада мурожаатлар ҳам талайгина.

Мулоқотда қайд этилдики, эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этиши мумкин бўлади. Масалан, 100 миллион сўмгача микрокредит бор-йўғи 9 фоиз тадбиркорларнинг эҳтиёжи учун етарли эканлиги маълум бўлди. Шу боис, микрокредитлар миқдори 3 қарра оширилиб, 300 миллион сўмга етказилади. Бунда кредитнинг 100 миллион сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди. Бу мақсадга бир йилда 10 триллион сўм берилади.

Демак, тадбиркорлар, иш бошлаш, бизнесини йўлга қўйиш учун интилаётган қанчадан-қанча юртдошларимиз қўллаб-қувватланади, уларга молиявий кўмак берилади. Бу кўплаб оилалар даромадли бўлади, худудлар обод, кўнгиллалар шод, ижтимоий-иқтисодий кайфият кўтарилади, деганимиз.

Нимасини айтмай, Қорақалпоғистон катта бозорларга чиқиб учун энг қулай ҳудуд дейилганда ота маконимни қайтадан кашф этгандек бўлдим.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон
Республика кенгаши раиси, Жўқорғи
Кенгесдаги партия фракцияси
раҳбари:

– Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга кўп қувончли хабарлар, муҳим янгиликлар билан, катта ислохотлар ташаббускори бўлиб келди.

Қорақалпоғистонни ривожлантириш, ҳаётимиз сифатини янада яхшилаш, умуман, биз, фарзандларимиз яхши яшаши учун барча имкониятларни ишга солишга қаратилган муҳим топшириқлар берилди, янги вазифалар белгиланди.

Ташриф давомиди республикада саноатни ривожлантириш йўналишлари белгиланди, иқтисодий ривожига эътибор қаратилди. Халқ билан мулоқот қилиб, маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

Кегейли туманида ўтган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари кенг муҳокама этилди, республикадаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Жуда қувончли бўлди.

Қорақалпоғистон жуда ўзгарди, дунёда унга муносабат ҳам ўзгарди. Қаранг, 1 миллиондан ортиқ сайёҳ келибди. Ҳали бу рақам қаррасига ошади. Бунинг учун меҳмонхона, инфратузилма қўпроқ керак. Кўп лойиҳалар билан бирга, "Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнов" йўли бўйидаги 140 гектар ерда 300 та савдо ва сервис объектини жойлаштира болиши ҳақида фикр билдирилди. Эллиққалъада замонавий бозор қурилса, савдо ва хизматлар кўпайиши қайд этилди. Мен бир зум гавжум мажмуалар қандай бўлишини хаёлимга келтириб, хурсанд бўлиб кетдим.

Йиғилишдаги фикр-мулоҳазаларни тинглаб, олдимизда улкан ва масъулиятли вазифалар турганини ич-ичимдан ҳис қилдим. Белгиланган ҳар бир лойиҳанинг халқимизга манфаатли бўлиб амалга ошиши учун бутун депутатлик корпуси, фаолларимиз билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришимиз зарур. Шароит бор, кенг имкониятлар яратилапти, сусткашлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ – Ватанни севмоғимиз, иймонимизни кўрсатмоғимиз керак.

SAYLOV – 2024

40 МИНГДАН ОРТИҚ ИМЗО ТОПШИРИЛДИ



ШУ ЙИЛ 27 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎТАДИГАН САЙЛОВ АВАЛГИЛАРИДАН АНЧА КАТТА ВА МУҲИМ БЎЛАДИ. БИЗ БИР ПАЙТНИНГ ЎЗИДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА НОМЗОДЛАРНИ САЙЛАЙМИЗ. ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯГА МУВОФИҚ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛАНАДИГАН ДЕПУТАТЛАРНИНГ ТЕНГ ЯРМИ МАЖОРИТАР, ЯНА ТЕНГ ЯРМИ ЭСА ПРОПОРЦИОНАЛ ТАРТИБДА САЙЛАНИШИ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРДАН БИРИДИР.

мазкур тадбирлар ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар кенгашлари, 200 дан ортиқ шаҳар ва туман Кенгашлари, 10 мингдан зиёд бошланғич партия ташкилотларида сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш ишлари ташкиллаштирилди.

Белгиланган муддатда партиянинг барча даражадаги ташкилотлари ходимлари, депутатлар, партиямиз хайрихоҳлари ва кўнгилчилар сайловда қатнашиш учун керакли бўлган миқдорда имзоларни тўплашга эришди. Қонунчиликда белгиланган талаблар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 40 мингдан ортиқ сайловчининг имзолари тўланди.

Мазкур жараёнда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олди. Улар асосан партиянинг ўтган йилларда ижтимоий ҳимоя, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш каби йўналишларда амалга оширган ишлари хусусида сўрашди. Юзма-юз мулоқотларда партия мақсади, ташаббуслари, эришган натижалари ҳақида фикр юритилди.

17 август куни партиянинг ваколатли вакили томонидан сайловда Ўзбекистон ХДПнинг иштирок этиши учун сайловчиларнинг қўллаб-қувватловчи имзолари йиғилгани ва партиянинг сайловда иштирок этиши бўйича партия Марказий Кенгаши раисининг аризаси "E-saylov" ахборот тизими орқали юборилди. Ушбу амалиётдан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ваколатли вакили партия бош штаби масъуллари билан биргаликда Марказий сайлов комиссиясига имзо варақалари бланкаларини топширди.

Ўрнатилган тартибга биноан Марказий сайлов комиссиясида тузилган эксперт гуруҳи ҳар бир имзо варақасини кўздан кечиради. Бу босқич 5 кунлик муддат ичида ниҳоясига етказилиши лозим.



Рашид МУРТАЗАЕВ,
халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари:

– Узоқ йиллардан бери сиёсий жараёнларда қатнашиб келаман. Бу сафарги имзо йиғиш жараёнида аҳолининг бизга бераётган саволларидан англаш мумкинки, бу сайлов аввалгиларига қараганда қизғин ўтади. Сабаби, одамлар

номзодлар ҳақида кўп ҳам сўрашмаяпти, балки пропорционал сайлов тизими, унинг қандай ишлаши, партиянинг дастури, нималарни ваъда беришига қизиқмоқда.

Яна бир нарсага амин бўлдимки, одамларнинг сиёсий маданияти тез ўсмоқда. Уларнинг атайлаб имзо бериш учун келаётгани, имзо беришнинг аҳамиятини, масъулиятини ҳис қилаётганини кўриш кишига завқ беради. Ҳатто баъзилари мен сайловчи сифатида партиянгиз дастурига таклиф берсам бўладими, деб сўрашди.

Мен шундай хулосага келдим, одамларимизда сиёсийлашув жараёни тезлашган. Бу Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий тенденциялар параллел ривожланаётганини аниқлаштириш билан бирга, сайловчиларнинг ишончини қозониш, уларни ўз фикрларини эргаштириш учун қаттиқ тайёрланишимиз кераклигини ҳам кўрсатмоқда.

Ҳар бир ишимиз аниқ стратегия асосида бўлиши муҳим. Имзо тўплаш ҳам сайловнинг энг муҳим босқичларидан бири. Чунки айнан шу босқичдан бошлаб сиз сайловчиларнинг қўлловини, хайрихоҳлигини ҳис қиласиз. Бу катта нарса. Ишонч ҳар доим инсонга иштиёқ беради.

Қолаверса, эндигина сайлов ёшига етган ёшларнинг имзо бериш учун келиши, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришингиз орқали уларда партиянгиз ғоялари ҳақида тасаввур пайдо бўлаётганини билиш ҳам қувонтиради одамни.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясидан сайловда қатнашишга ижозат берилишини кутмоқда.

Олдин сайловчилар фақат номзодларга овоз беришган бўлса, энди сиёсий партияларнинг ғояларига, ташаббусларига, нимани ваъда бераётганларига қараб ҳам овоз беришади. Яъни, энди қайси партия қандай мафкурага таяниши, парламентда қайси партия кўп ўринга эга бўлса, жамиятда нима ўзгаришлар қила олиши ҳақида ҳам фикр юритиб овоз беришимиз керак.

Марказий сайлов комиссияси сайлов кампанияси бошланганидан эълон қилиши билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси пленумида сайловда иштирок этиш ҳақида яқдил қарор қабул қилинди. Шу тартиқ биринчи қадам ташланди.

Сайлов кодексига мувофиқ, сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиши ҳамда сайлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топшириш ва қабул қилиб олиш ваколатига эга бўлган партиянинг ваколатли ваки-

ли тайинланди.

Халқ демократик партияси ҳам белгиланган тартибда сайлов кампаниясида қатнашиши бўйича Марказий сайлов комиссиясига ариза топшириб, ваколатли вакил рўйхатдан ўтказди ва имзо варақалари бланкаларини олди.

Сайловда иштирок этиш истагидаги ҳар бир партия мамлакатдаги умумий сайловчилар сонининг камида бир фоизининг имзосини тўплаши қонунчилигимизда белгиланган. 1 августдан 15 августга қадар сайловчиларнинг имзоларини тўплаш тадбирлари олиб борилди. Хусусан, иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойларида ва қонунда тақиқланмаган барча аҳоли гавжум ҳудудларда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДАН САЙЛОВДА ҚАТНАШИШГА ИЖОЗАТ БЕРИЛИШINI КУТМОҚДА.



Гулбахор МҲМИНОВА,
ЎзХДП Поп туман Кенгаши раиси:

– Мана, имзо йиғиш жараёнида ҳам ниҳоясига етди. Бажарадиган



ИСТЕЪМОЛ КАЙФИЯТИМИЗ ҚАНДАЙ?

Истеъмол кайфияти шарҳи

2024 йил август

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

ЯҚИНДА МАРКАЗИЙ БАНК НАВБАТДАГИ АҲОЛИ ИСТЕЪМОЛ КАЙФИЯТИ ШАРҲИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНДА КЕЛТИРИЛИШИЧА, ИЮЛЬ ОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВЛАРДА 3 МИНГДАН ОРТИҚ АҲОЛИ ҚАТНАШГАН. СЎРОВНОМА ИШТИРОКЧИЛАРИ ЖОРИЙ ЙИЛ II ЧОРАҚДА КЕЛГУСИДА ДАРОМАДЛАРИ ОШИШИ БЎЙИЧА КУТИЛМАЛАРИ ПАСАЙГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛГАН.

дентлар орасида келгусида даромадлари камайишини кутаётганларнинг улуши ошган. Шунингдек, ушбу даромад гуруҳларида келгусида даромадлари ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши эса кўпайган. Респондентларнинг 68 фоизи (ўтган чорақда 75 фоиз) расмий иш ҳақида даромад олишини таъкидлаган. Тадбиркорлик, томорқа фаолияти ҳамда пул ўтказмалари орқали даромад олувчиларнинг улуши ҳам ортган.

Шунингдек, туризм, маиший хизмат, ташиш хизматлари ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида даромадларнинг келгусида ошиши бўйича ижобий кутилмалар юқори рақамда шаклланди. Шу билан бирга, давлат бошқаруви, банк-молия, коммунал хизматлар ва қурилиш соҳаларида фаолият юритувчилар келгусида даромадларининг камроқ ошишини кутаётгани айтилган.

Маълумотларга кўра, келгуси чорақларда аксарият қатнашчилар харажатлари кўпайишини кутмоқда. Жорий йил II чорақда харажат субиндекси юқори даражада сақланиб, 77,7 бандни ташкил этган. Хусусан, респондентларнинг деярли 77 фоизи келгуси 12 ойда харажатлари кўпайишини билдирган. Ўтган йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 80 фоизга тенг бўлган. Натижалар истеъмолчиларнинг келгусидаги харажатлари ўзгариши бўйича оптимистик кутилмалари сақланиб қолаётганлигини кўрсатган.

Аниқроқ айтадиган бўлсак, келгусида харажатларининг ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши 16,4 фоизни, харажатларининг камайишини кутаётганлар эса 6,9 фоизни ташкил этган. Харажатлари кўпайиши бўйича нисбатан юқори кўрсаткич кўпроқ даромадли (10 миллион сўмдан юқори) аҳоли вакиллари томонидан қайд

этилган (80-87 фоиз). Қолган даромад вакилларида ҳам 80 фоизга яқин респондентлар харажатлари кўпайишини маълум қилган.

Келгуси чорақда йирик харажатлар гуруҳлари ўрганилганда, одамлар асосан, уй-жой таъмирлаш, саёҳат, таълим, соғлиқни тиклаш, тўй маросимлари, уй-жой ва автомобиль хариди каби йирик харажатларни режалаштирганини маълум қилишган.

Яна бир қизиқ маълумот. Аҳолининг пул жамғаришга бўлган мойиллиги сўнгги икки чорақ давомида маълум даражада пасайган. Жорий йилнинг II чорақида жамғариш кайфияти бўйича субиндекс кўрсаткичи I чораққа нисбатан 1,3 фоиз бандга пасайиб, 67,1 бандни ташкил этган.

Келгусида жамғармалари ўзгармаслигини билдирганлар улуши аввалги чораққа нисбатан 1,5 фоизга ортиб, 25,6 фоизни, жамғармалари камайишини кутаётганлар улуши эса аввалги чораққа нисбатан 1,4 фоизга кўпайиб, 14,1 фоизга етган.

Келтирилишича, аҳолида кредитлар ва қарз юки ортиб бораётгани фонида истеъмол харажатлари таркибида ўзгаришлар кузатилаётгани ҳам жамғариш кайфиятига маълум даражада таъсир кўрсатган бўлиши мумкин.

Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 57 фоизи келгусида мамлакат иқтисодиёти яхшиланишига ишонч билдирган бўлса, 29 фоизи иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати сақланиб қолишини таъкидлаган.

Шарҳда сўров иштирокчиларининг учдан икки қисми келгуси 3 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб боришини кутаётгани айтилган.

PARLAMENT FAOLIYATI

ДАВР
ТАЛАБИ

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДАХЛДОР ҚАТОР ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ. БЕВОСИТА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, РУҲИЯТИ, ХАВФСИЗЛИГИ, ТИНЧЛИГИ ВА КАЙФИЯТИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ, БУ БОРАДАГИ ХАТАРЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАЛАРИДА ТАКЛИФЛАР БИЛДИРИЛДИ, БАҲС-МУНОЗАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ
ҚЎМИТАГА ҚАЙТАРИЛДИ

Бунёдкорлик жамиятдаги ижобий ўзгаришлардан, инсонлар ҳаётининг яхшиланаётганидан дарак. Бироқ қурилишлар кишилар манфаатига, соғлиғи ёки руҳиятига зарар бермаслиги керак. Гап шундаки, қурилиш ва таъмирлаш ишлари натижасида ҳосил бўладиган шовқинлар аҳолини безовта қилаётган ҳолатлар мавжуд.

Умуман олганда, шовқинларнинг доимий давом этиши инсонда стресс ҳосил қилиши, уйқунинг ёмонлашуви, меҳнат қобилияти ва унумдорлигининг пасайишига олиб келиши илмий жиҳатдан тасдиқланган.

Аммо шу пайтга қадар қонунчиликда инсон саломатлиги учун зарар келтирувчи ва руҳсат этилган даражадан юқори бўлган шовқинларни келтириб чиқараётган объектларни жавобгарликка тортиш масалалари тўлиқ ва аниқ белгиланмаган. Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда.

Лойиҳада атроф-табиий муҳитга шовқин орқали зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари, аҳолини шовқиннинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат органларининг ваколатлари белгилаб қўйилмоқда. Фуқаролар осойишталиги ва нормал дам олишини бузадиган ҳаракатлар қатъий рўйхати тасдиқланмоқда, шунингдек, фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузишга йўл қўйилмайдиган вақтлар оралиғи белгиланмоқда.

Қизгин ўтган мажлисда депутатлар лойиҳа юзасидан эътирозларини ҳам билдириб ўтди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Депутатларнинг фикрига кўра, қонун лойиҳасида таклиф этилаётган кечки 23:00 дан тонгги 06:00 гача ва байрам кунларида кечки 22:00 дан тонгги 09:00 ни тунги вақт дея белгиланиши қайта кўриб чиқилиши зарур. Чунки эрталаб кечагача ишда бўлган шахс уйига қайтган, шовқиндан азият чекмаслиги лозим.

Бундан 3 йил аввал, яъни, 2021 йилда БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши инсоннинг хавфсиз, тоза, соғлом ва барқарор атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини умуминсоний ҳуқуқ сифатида эътироф этувчи резолюцияни қабул қилди. Муҳокамалар чоғида таклиф этилаётган лойиҳа мазкур ҳужжатга ва халқро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлиши лозимлиги баён қилинди. Шунингдек, лойиҳада қисқа

» **Қизгин ўтган мажлисда депутатлар лойиҳа юзасидан эътирозларини ҳам билдириб ўтди. Ундаги айрим моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар илгари сурилди.**

муддатли шовқинларга жавобгарлик белгиланмайди, деб кўрсатилган бўлиб, ушбу меъёр ҳам эътирозларга сабаб бўлди. Гап шундаки, қисқа муддатли шовқинлар вақт билан кўрсатилмаган ва бу бошқа бир моддада қайд этилган шовқинларни ҳам инкор этиши мумкин. Ваҳоланки, кўп ҳолларда қисқа муддатли, аммо қутилмаган шовқин одамларга жиддий зарар келтиради. Мисол учун, қон босимининг ошиши, юрак уришининг тезлашиши, асабийлашиш, бош оғриғи ва бошқа ҳолатларни келтириб чиқариши, ҳаттоки юрак хуружи ёки бошқа жиддий касалликларга сабаб бўлиши бор гап. Айниқса, болалар, ёши катта инсонлар, ҳомилдор аёллар ёки руҳан таъсирчан инсонлар кўпроқ зарар кўриши мумкин. Депутатларнинг фикрича, қисқа муддатли шовқинларга жавобгарлик қонуний кўрсатилиши керак.

Бир соатга яқин давом этган муҳокама ва савол-жавоблардан сўнг кўпчилик овози билан қонун лойиҳаси қўмитага қайтарилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ЗАРУРАТ
ОШГАН

Сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатида муҳим ўринни эгалламоқда. Сабаби, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаётини яхшилаш билан боғлиқ бўлибгина қолмай, миллий хавфсизлик ва мамлакат мустақиллигини барқарор сақлашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ички ва ташқи бозорда ижтимоий аҳамиятга эга асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши

эса бу эҳтиёжни қондириш ҳамда республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси сони 2030 йилга бориб 43 млн кишига етиши прогноз қилинмоқда. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб 1,2 барабар ошишидан далolat беради. Демак, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборни кучайтириш лозим. Палата мажлисида кўриб чиқилган "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасида айнан ушбу масалалар қамраб олинган.

Қонун лойиҳаси 6 та боб ва 26 та моддадан иборат бўлиб, унда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича умумий қоидалар, ушбу соҳани давлат томонидан тартибга солиш, хавфсиз озиқланишга эришиш, озиқ-овқат хавфсизлигида ахборот таъминоти, шунингдек, яқуний қоидаларни белгилаш назарда тутилган.

Муҳокама чоғида лойиҳанинг аҳамияти, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар қонун билан белгиланиши партия электорати манфаатларига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди. Қишлоқ хўжалиги вазири озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли давлат органи этиб белгиланиши эса тизимдаги назоратни кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди. Билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар иккинчи ўқишда иноватга олинадиган бўлди.

"ПРОПИСКА"
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Палата мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтиши ва турар жойи бўйича хабардор қилиши тартиби тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳа билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиши, яшаш жойи ва келган жойни танлаш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг доимий яшаш ва вақтинча рўйхатга олиш тартиблари

HAMDARDLIK

Самимий ва меҳнатсевар
инсон хотирасига

Халқ демократик партияси фахрийси, етук ҳуқуқшунос, тажрибали сиёсатчи, ажойиб нотиқ ва етакчилик фазилатлари соҳибаси, фидойи инсон Машқура Сафаева 74 ёшида вафот этди.

М.Сафаева Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаб, фаолиятини кичик қадамлардан бошлаб, Тошкент шаҳар судида нотариал идора консултант, суд мажлиси котиби, девонхона мудир, судьяси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифаларида самарали фаолият юритган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиядан Олий Мажлис депутатлигига сайланиб, қўмита раиси, спикер ўринбосари сифатида ишлаб, мамлакатимизда вакиллик ҳокимиятининг мустақамланиши ва профессионал парламент шаклланиши жараёнларида фаол иштирок этган.

М.Сафаева икки палатали парламент тизимини йўлга қўйиш ва ривожлантиришда етук амалиётчи ҳуқуқшунос сифатида узоқ йиллар фидойи меҳнат

қилиб, эл-юрт орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган.

Қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил олиб боришда, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва маромига етказишда жонбозлик кўрсатган.

Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш, адвокатура институтини кучайтириш, қонунлар ижроси бўйича парламентнинг назорат-таҳлил фаолиятини ташкиллаштиришда катта ташаббускорлик кўрсатган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси сифатида Қонунчилик палатаси йиғилишларида, қонун лойиҳалари муҳокамалари ва ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини ўрнатишда партия позициясини фаол ҳимоя қилган.

Сайловчилар билан фаол мулоқот олиб бориб, мурожаатларни ижобий ҳал этиш, фуқароларнинг оғирини енгил қилишдек хайрли ишларга катта ҳисса қўшган.

М.Сафаева етук ҳуқуқшунос, партиямиз ва парламентнинг фидойи аъзоси, самимий ва меҳнатсевар инсон сифатида эътиромга сазовор бўлди. Унинг меҳнати ва фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган, "Шуҳрат" медали ва "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

содаллаштирилмоқда.

Қонун лойиҳаси доирасида "е-хабар бериш" тизими жорий этилиши кўзда тутилган. Лойиҳа ташаббускорларининг фикрича, ушбу қонун қабул қилинса, аҳолининг эркин ҳаракатланишига оид конституциявий ҳуқуқи таъминланиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ортиқча бюрократиянинг ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга эришилади.

Бироқ депутатларнинг зийрак нигоҳи қайта кўриб чиқилиши зарур бўлган жиҳатларни кўздан қочирмади. Мисол учун, ўз ватанида яшайдиган фуқароларимиз ҳамда Ўзбекистонда яшовчи чет эл фуқаросига нисбатан бир хил талаблар қўйилиши нотўғри экани таъкидланди. Яъни, мамлакат фуқароларига яшаш жойини ўзгартирган чоғда ўша қонуннинг ўзида тегишли органни "е-хабар бериш" тизими орқали хабардор қилиш мажбурияти юклатилмоқда. Акс ҳолда бошқа бир модда билан уларни маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилмоқда. Депутатларга кўра, ушбу меъёрлар қайта кўриб чиқилиши, тизим тўлиқ ишга тушмаган айни пайтда маъмурий жавобгарлик олиб ташланиши лозим.

Бундан ташқари, аҳолининг айрим ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 223-моддасида белгиланган паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни либераллаштириш таклиф этилмоқда.

Жумладан, ўн саккиз ёшгача бўлган, олтмиш ёшдан ошган ёки тўлиқ давлат таъминотида бўлган, шунингдек, жазони ижро этиш муассасасидан жазони ўтаб чиққан, шунингдек, фавқулодда вазиятлар, турар ёки нотурар жойларнинг ёниши, кулаши, транспорт воситаларининг ёниши каби ҳодисалар рўй берганлиги натижасида жабрланган шахслар эндиликда паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан тўлиқ озод этилади.

Депутатларнинг айтишича, мамлакатимиз фуқаролари ва меҳмонларини рўйхатга олиш тартибини ягона ёндашув асосида ислох қилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини мақбуллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш давр талабидир. Шунга кўра, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

SIYOSIY MAFKURA

ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИНГ УСТУВОР МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. МУТАХАССИСЛАР ҲАР БИР ДАВЛАТ ВА ХАЛҚНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН БУ МАСАЛАНИ МУҲИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИЛАР. ЧУНКИ ИЖТИМОЙ ТЕНГСИЗЛИК, АҲОЛИ ТУРЛИ ҚАТЛАМЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕСКИН ТАФОВУТЛАР ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИ ИЗДАН ЧИҚАРИШИ, ИЖТИМОЙ ТАНГЛИКНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШИ МУМКИН. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РАВНАҚ ТОПИШИ УЧУН ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛАШИ, БОШҚАЧА АЙТГАНДА, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ КЕНГ ҚАМРОВИ ВА ИЗЧИЛЛИГИНИ КАФОЛАТЛАШИ КЕРАК. ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА ИЖТИМОЙ СИЁСАТГА УРҒУ БЕРИБ КЕЛАЁТГАНИ ЗАМИРИДА АНА ШУ ҲАҚИҚАТ ТУРИБДИ.

ДАВЛАТ БОШ ВА МАСЪУЛ



МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИ УЧУН МАҲАЛЛИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ҲАМ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА БЕРИЛГАН ДАВЛАТ КАМ БЎЛМАГАН ИМТИЁЗЛАРИ БЕЛГИЛАШ ВАЗИФАСИ ЭСА БУГУНГИ КУНДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА КУЗАТИЛАЁТГАН АЙРИМ БЎШЛИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАҚСАДИНИ КЎЗДА ТУТАДИ.

Дунё аҳолисининг ярми ижтимоий ҲИМОЯГА ЭГА ЭМАС

Ҳа, янглишганимиз йўқ. Ер юзиде алақачон 8 миллиардик доводдан ўтган инсонларнинг тенг ярми ижтимоий ҲИМОЯДА МАҲРУМ. БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) томонидан эълон қилинган янги маълумотларга кўра, 15 ёшгача бўлган 1,4 миллиард боланинг ижтимоий ҳуқуқлари таъминланмаган. Сайёрамиз аҳолисининг атиги 29 фоизи ижтимоий ҲИМОЯ ТИЗИМЛАРИ БИЛАН ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ҚАМРАБ ОЛИНГАН БЎЛСА, 55 фоизи бу қамровга тўлиқ эга эмас. 200 миллиондан зиёд инсонлар ҳафта сисига 40 соатлаб ишласалар-да, кунлик даромадлари минимал истеъмол харажатига етмайди.

Геосийсий манзариса ўзгариб бораётган, қуролли можаролар, иқлим ўзгаришлари туфайли мураккаб замонни бошдан кечираётган она замонимизда мигрантлар ва қочқинлар, ижтимоий ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМ – хотин-қизлар, ёшлар дуч келаётган муносабатларнинг ўзи – алоҳида мавзу.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълум қилишича, 2024 йилда дунё бўйича ишсизлар сони икки миллионга ошиши ва глобал ишсизлик даражаси ҳозирги 5,1 фоиздан 5,2 фоизга кўтарилиши кутилмоқда. Катта йигирматалик давлатларининг кўпиде ижтимоий даромадлар камаяди ва инфляция натижасида турмуш даражасининг пасайиши қисқа муддатда деярли тикланмайди.

Мана шундай қийин вазиятда мамлакатлар ҳукуматлари ва халқлари глобал бирдамликка эришиш баробарида ижтимоий ҲИМОЯГА ЭХТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНОФААТЛАРИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОРНИ ҚАРАТИШИ ЗАМОН ТАЛАБИГА АЙЛАНГАН.

Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат

Янги Ўзбекистон ҳар бир фуқароси учун

ғамхўрлик қиладиган ижтимоий давлат ҳамда адолатли жамият қуриш йўлида дадил одимлаётгани бугун жаҳон минбарларида бирдек эътироф этилмоқда ва бу қувонарли, албатта. Сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, кам даромадли оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандликни ошириш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган тизим жорий этилди.

Ижтимоий давлатга мос бўлган таълим ва тиббий соҳаларига жиддий эътибор қаратилиши, айниқса, сўнгги саккиз йилда бу соҳаларда салмоқли ўзгаришларнинг рўёбга чиқарилиши ўз натижасини бера бошлади. Хусусан, шу йил январь ҳолатига мамлакатимизда 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 74 фоизга етди. 11 йиллик мажбурий мактаб таълими қайта тикланди, мактаб ўқитувчиларининг иш юкласини мақбуллаштирилди ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди, ёшларни олий таълим билан қамров кўрсаткичи эса 9 фоиздан 42 фоизга кўтарилди. Аҳолига малакали ва сифатли тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида тизимда олиб борилаётган ислохотлар ҳам, очиги, бироз қийин кечаётган бўлса-да, аста-секин бўй кўрсатмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини уй-жой билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан бири. Шу нуқтаи назардан 2017 йилдан 2023 йилга қадар юртимизда нақд 326 мингта янги уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилгани, тарихан кўз очиб-юмгулик вақт ичиде уй-жой билан таъминланганлик даражаси жон бошига 18 фоизга ошгани, ёлғиз аёллар ва ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратилаётгани мақтагулик ҳодисадир. 2024 йилда эса яна 2 минг 152 та кўп қаватли уй-жой барпо қилиб, 100 мингдан зиёд хонадонни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Жорий йил охиригача 53 та “Янги Ўзбекистон” массивларида 31,4 минг хонадондан иборат 767 та кўп қаватли уй, шунингдек, 13,5 минг ўринли 60 та мактабгача таълим

ташкилоти, 48 минг ўринли 44 та умумтаълим мактаби ва 33 та оилавий поликлиника қурилиши давлат дастурларига киритилган.

Меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлигини таъминлаш орқали унинг муносиб ҳаёт кечирishi учун кўмаклашиш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш, болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам йил сайин ўсиш динамикаси мавжуд.

Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам бор. Сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, ҳозирда мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тенгсизлик ва камбағаллик хавфи ортиб

борishi билан боғлиқ катта эҳтимолдан кўз юмолмаймиз. Бундай хавфларни юмшатиш, ижтимоий ислохотларни қадамба-қадам жалдаллаштиришга чиндан эҳтиёж сезилаётир.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақомини таъминлашда давлат бошқарув идоралари билан бир қаторда нодавлат институтлар, жамоатчилик, асосийси, сиёсий партиялар биринчилар сафида пухта ўйланган, натижадор таклиф-ташаббусларнинг ижодкорлари бўлмоғи керак.

Тобора яқинлашаётган муҳим сиёсий жараён – парламент сайловлари арафасида, табиийки, халқимиз сиёсий партиялар фаолиятини сарҳисоб қилиб, овоз беришда буни асло назардан қочирмайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдори

Олим РАВШАНОВ,

ЎзХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси:



– Партиямиз фаоллари ва депутатларимиз аввал бошдан оқ иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш, иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солувчи ролин кучайтиришни зарур, деб ҳисоблайди.

Тўғри, эркин бозор муносабатлари тарафдорлари инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш, валюта ва нарх сиёсатини либераллаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисоддаги давлатнинг ролин қисқартириш афзалликларини назарий-амалий жиҳатдан исботламоқчи бўладилар. Давлатнинг бозор муносабатларига аралашуви айрим ҳолларда қонундан оғиш, монополия ёки коррупцияга йўл очиш каби иллатларни юзага келтиришини иддоо қиладилар.

Халқ демократик партиясига кўра, иқтисодиётни либераллаштиришда жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларини унутиб қўймаслик керак. Чунки, дунё таърибасидан маълумки, эркин бозор қонунлари баъзан ижтимоий тафовутларнинг, тенгсизликнинг чуқур илдиришига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ижтимоий давлат барпо этиш учун улкан тўсиқдир.

Қолаверса, самарали бошқарувга эга давлатнинг асосий тартибга солувчи роли

бозор муносабатларини рағбатлантириб, фақат ва фақат ижтимоий-иқтисодий фойда келтиради. Жамиятда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмайди.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун маҳаллий инвесторларга ҳам хорижий инвесторларга берилганидан кам бўлмаган имтиёзларни белгилаш вазифаси эса бугунги кунда иқтисодий ислохотларда кузатилаётган айрим бўшлиқларни бартараф этиш мақсадини кўзда тутди.

Стратегия аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиш пировардида мамлакат ресурсларидан бир ҳовуч давлатмандлар учун эмас, балки халқ манфаати учун фойдаланишга ва бу ресурсларни келажак авлодларга асрашга хизмат қилади.

Давлатнинг иқтисодий қудрати, энг аввало, кафолатланган бюджетга бевоқиф боғлиқлигини инобатга олиб, вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетга йўналтириш ҳозирги паллада ҳар томонлама тўғри ечим бўлади.

Ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий сўғурта миллий моделини жорий этиш, давлат харидларининг шаффофлигини ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва хизматларни тўлиқ рақамлаштириш ҳам айни зарурат ҳисобланади.

Зулфия ТҲҲЕВА,

ЎзХДП Бухоро вилоят Кенгаши раиси:



– ХДП илгари сураётган ҳар бир ғоя ва ташаббус ижтимоий адолат ҳамда инсонийлик призмаларини ўтказилган, десак энг тўғриси айтган бўламан.

Жумладан, партиямиз Сайловолди дастурларига ўсиб келатган авлод манфаатлари ҳамиша устувор аҳамият касб этади. 5 ёшгача бўлган болаларни парваришлаш ва озиклантириш учун зарур бўлган маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғини бекор қилиш таклифи бунга мисолдир.

Дунёда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини юритишда етакчилардан саналган Германия ёки Скандинавия ўлкаларида иқтисодий самарадорлик ижтимоий адолатга эришишнинг асоси сифатида қаралиб, бизнеснинг алоҳида ижтимоий масъулияти белгиланган ва аҳолининг ижтимоий ҲИМОЯСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИННОВАЦИЯЛАР БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Худди шундай, мамлакатимизда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш бугун халқимиз кутаётган янги ўзгаришларга олиб келади.

Бу йўналишда партиямиз таклиф-ғоялари орасида ўзини ўзи банд қилган сифатида шуғулланиш мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш, миграция соҳасини тартибга солиш ва меҳнат мигрантлари учун шарт-шароитларни яхшилаш ғоятда долзарб эканини қайд этиш жоиз.

Сир эмас, ҳар бир давлат учун озик-овқат хавфсизлиги ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қол-

моқда. Ер юзиде рўй бераётган иқлим ўзгаришлари, шиддат билан кенгайиб бораётган чўлланшиш ва курғоқчилик, табиий офатлар оқибатида ҳар йили кўплай давлатларда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига путур етмоқда. Бундай муаммо бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Шу маънода маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига импорт ўрнини босадиган озик-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш бўйича худудий дастурларни амалга ошириш миллий иқтисодиётимизни ривожининг ҳозирги босқичида сув ва хаводек зарур. Мазкур таклифнинг наинки озик-овқат хавфсизлигини кафолатлашда, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш тармоқларида муқим, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларини яратишда, юртимиз аҳолисининг салмоқли қисми яшайдиган қишлоқ жойларда ишсизликни, камбағалликни камайитиришда қўл келади.

Расмий статистика юртимизда демографик кўрсаткич шиддат билан ўсаётганини кўрсатмоқда. Аҳолимиз сони ҳар йили қарийб бир миллион нафарга кўпаймоқда. Бу давлат зиммасидаги янги боғча ва мактаблар, тиббий муассасалар ҳамда бошқа ижтимоий инфратузилмаларни барпо этиш, иш ўринларини яратиш, кўмакка муҳтож қатламларни ижтимоий ҲИМОЯЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОШИРМОҚДА. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ана шу мажбуриятларни тўлақонли адо этишга, ижтимоий адолатнинг ҳукм суришига, халқимиз фаровонлигига замин яратади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ISTIQLOL IMKONIYATLARI



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети
ректори, педагогика фанлари
доктори, профессор:

Қалбимизда чуқур миннатдорлик ва мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин, ўтган даврда, айниқса, сўнгги 7-8 йилда мамлакатда кенг қамровли ислохотларни амалга оширишга жиддий киришилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон муҳим тарихий бурилиш ва янгиланиш йўлида дадил қадам ташламоқда. Таълим тизими, жумладан, олий таълимда катта ўзгаришлар юз бермоқда. Соҳада амалга оширилаётган тизимли ислохотлар самарасини Наманган давлат университети мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Университетимиз ҳозирги кунда элликка яқин хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, Жанубий Кореянинг Инчон университети, Боғдорчилик ва ўсимликшunosлик миллий институти, Вусук (Woosuk) университети, Хитойнинг Гуанчжоу университети, Норвегиянинг Осло ва Акерсхус амалий фанлар университети, Малайзиянинг Куала Лумпур мультимедиа университети, Россиянинг Биотехнология университети, А. И. Герцен номидаги давлат педагогика университети, Туркиянинг Ўрта Шарқ техника университети ҳамда Истанбул Айдин университети ҳамда яна ўнлаб таълим беришда рейтинг юқори бўлган халқаро ОТМ билан ўзаро манфаатли алоқалар қутилган натижани бермоқда.

— МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 33 ЙИЛЛИГИ ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ ЎЗГАЧА ШУКУҲ ВА КАТТА ТАНТANA БИЛАН НИШОНЛАНМОҚДА. АЛБАТТА, БУНДАЙ ҚУТЛУҒ КУН АРАФАСИДА ҲАР БИР СОҲА ВАКИЛИНИНГ КўНГЛИДАН НИМАЛАРГА ЭРИШДИК, ҚАНДАЙ ЮТУҚЛАРНИ ҚўЛГА КИРИТДИК, ДЕГАН УЙ ЎТИШИ ТАБИЙ.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ТАЪЛИМ

Бугун бошқа соҳалар қатори олий таълимда ҳам соғлом рақобат муҳити шаклланипти. Мамлакатимизда сўнгги йилларда кўплаб давлат ва нодавлат ОТМ ташкил этилган нафақат ёшларимиз учун танлов имкониятини оширмоқда, балки олий таълим муассасаларини замон билан ҳамнафас бўлишга, янги имкониятларни излаб топишга, сифатли кадр етиштиришнинг истиқболли йўлларида боришга ундамоқда.

Хусусан, ўтган ўқув йилида Наманган давлат университетиде инновацион «Экобоғ» ташкил этилди. Бугунга келиб боғ 3,8 гектар майдонни ташкил этмоқда. Водийда ягона бўлган мазкур боғ ҳудудига эрта баҳорда Ер юзининг турли нуқталаридан мингга яқин турдаги манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, гул ва буталар келтирилиб ўтказилди. Ҳозирда боғдаги ниҳоллар бораётган ўсимликлар коллекциясини ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

Аҳамиятисини, «Экобоғ»да университетнинг биология ва биотехнология йўналишлари талабалари учун тажриба-синов ва очик амалий машғулотлар ўтказиш имконияти мавжуд. Бугунги кунда боғ ҳудудиде биохилма-хилликни муҳофаза қилиш, иклим ўзгаришларининг салбий оқибатларини юмшатиш, ўсимликларни биотехнологик усуллар ёрдамида кўпайтиришга ихтисослашган 6 та ўқув ва илмий-тадқиқот лаборатория хоналари ҳамда ноёб ва йўқолиб

бораётган ўсимликлар коллекциясини ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

ҚОЛАВЕРСА, УНИВЕРСИТЕТИМИЗДА ЎТГАН ЎҚУВ ЙИЛИДА УНИВЕРСАЛ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ, ИТ-ПАРК ВА ТИЛ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ ОЧИЛГАНИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАЛИ ФАОЛИЯТИ КўПЛАБ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН НАМУНА БўЛМОҚДА. МАСАЛАН, ТИЛ ЎРГАНИШ МАРКАЗИДА НАФАҚАТ ТАЛАБАЛАР, БАЛКИ ТУРЛИ ЁШДАГИ КИШИЛАР ҲАМ ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА РУС, ИНГЛИЗ, КОРЕЙС, ЯПОН, ФРАНЦУЗ, НЕМИС, ТУРК ВА БОШҚА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БўЛАЁТГАНИ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚДИР.

Дарвоқе, янги ўқув йилини жамоамиз янада катта режа ва мақсадлар билан қўтиб олмақда. Яқин вақт ичида университете-

тимизда интерактив хизматлар кўрсатиш мақсадида «Офис регистратор» маркази ташкил этилди. 200 ўринли маърузалар зали, 8 та амалий машғулотлар учун инновацион ўқув аудиториялари, ўндан ортиқ ўқув-ёрдамчи хоналар лойиҳалари, 400 ўринли Маънавият ва маданият маркази лойиҳалари ҳам жорий ўқув йилидаги бунёдкорликларнинг асосини ташкил этади.

Янги ўқув йили арафасида 400 ўринли талабалар турар жойи қуриб битказилди. Замонавий қиёфада қад ростлаган, барча қулайликларга эга 7 қаватли бу турар жой ёшларимиз учун муносиб байрам тўхфаси бўлиши, шубҳасиз. Келгуси йилда эса яна 1 минг 200 ўринли замонавий турар жойлар бунёд этилиши кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида жами 2000 нафар талабанинг турар жойга бўлган эҳтиёжи қондирилади.

Юқорида санаб ўтганларимиз янги ўзгаришларга юз тутган Наманган давлат университети фаолиятидаги ютуқларнинг бир қисми, холос. Янада юқори натижа ва самарадорликка эришиш учун олийгоҳимиз жамоаси, профессор-ўқитувчиларимиз бор куч ва салоҳиятини сафарбар этиши шубҳасиз. Зеро, Президент таъбири билан айтганда, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч - бу илм-фан, таълим-тарбиядир.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ШИНА ЗАВОДИ

Тошкент вилояти Ангрен туманидаги «Birinchі rezinotexnika zavodi» МЧЖ ХКга пресс-тур ташкил этилди. Унда ОАВ вакиллари заводда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.


– Заводимиз Ўзбекистондаги биринчи шина заводи ҳисобланади, – дейди «Birinchі rezinotexnika zavodi» бош директори Ғулмжон Ибрагимов. – Президентимизнинг «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси ҳудудиде резинотехника буюмлари заводи қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Лойиҳа қиймати 200 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, 2019 йилда ишга туширилган. Бу ерда енгил автомобиллар учун 21 турдаги шина ва 27 турдаги конвейер тасмаси ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларимизнинг сифати халқаро сифат менежменти тизимлари ISO 9001:2015, ISO 50001:2018 сертификатлари ҳамда IATF 16949:2016 тармоқ стандарти билан тасдиқланган.

Этиборли жиҳати, жорий йил март ойидан бошлаб заводда Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган «Bars» бренди остидаги шиналар «Damas» автомобилларига ўрнатилган бошланди. 2024 йил охирига қадар маҳаллий ишлаб чиқаришга мансуб «Bars» шиналарига «Chevrolet Tracker» ва «Chevrolet Opix» автомобилларини ҳам ўтказиш режалаштириляпти. Шу билан бирга заводимиз Ўзбекистон автомашини ишлаб чиқарувчиларининг бирламчи комплекцияси учун шиналар етказиб берувчисига айланди. Бунинг учун омолоғация ўтказилди, маҳсу-

лот муайян автомобиль моделлариға мослаштирилди. Глобал талабларға мувофиқлиғини АҚШ, Жанубий Корея, Бразилия, Хитой полигонларидаги синовлар тасдиқлади.

«Bars» шиналари ўзига хослиғи билан ажралиб туради. Жумладан, протектор дизайни туфайли улар юқори тезликда юксак барқарорлиқни ва автомобилнинг бошқарувчанлиғини таъминлайди, шунингдек, шинанинг йўл қатлами билан илашиши ҳам юқори даражада.

Маълумотларға кўра, заводнинг ишлаб чиқариш қуввати йилиға 3 миллион дона автомобиль шинаси, 100 минг погонметр конвейер тасмасиға тенг. Бу ерда резина аралашмани яратишдан то тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сифат назоратига-



ча йўлга қўйилган.

Ушбу салоҳиятли корхона маҳаллий автосаноатнинг импортга бўлган талабини қисқартириш билан бир қаторда маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаш ҳам яхши натижаларға эришмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари завод жаҳондаги етакчи шина ишлаб чиқарувчи компаниялардан кам бўлмаган даражада энг замонавий жиҳозлар билан таъминланганиға гувоҳ бўлишди. Айниқса, сифат назорати тизими алоҳида эътиборни тортади.

Бунда дастлаб визуал назорат амалға оширилади. тажрибали операторлар ҳар бир шинани 100 дан зиёд эҳтимолий нуқсонлар мавжудлиғига текширишади. Кейин ҳар бир шина автоматик назоратдан ўтади. Агар шина текширувдан ўтмаса, унинг ён халқаси кесиб ташланади ва бу нуқсонли маҳсулотнинг бозорға тушишининг олди олинади.

Завод маҳсулотлари ички бозорға етказиб берилиши билан бирга Россия Федерациясига экспорт қилинапти.

Маълумот учун. 2023 йил февралда «Birinchі rezinotexnika zavodi» нинг 100 фоиз улушини «Татнефть» компанияси (Россия Федерацияси) сотиб олган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

68 миллиард сўм зарар етган



7,7 МИНГТА СУВ ТАРМОҚЛАРИГА НОҚОНУНИЙ УЛАНИШ ҲОЛАТИ АНИҚЛАНДИ. БУНДА ЭНГ ЮҚОРИ КўРСАТКИЧ ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲАМДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲУДУДЛАРИГА Тўғри келди. Бу қонунбузарликлар туфайли жорий йилнинг ўтган даврида жами 68 миллиард сўмдан ортиқ зарар етказилган. ШУНИНГДЕК, УШБУ ДАВРДА РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА 22,4 МИНГ НАФАР ЖИСМОНИЙ ҲАМДА ЮРИДИК ИСТЕЪМОЛЧИ ҚАРЗДОРЛИГИ УЧУН СУВ ТАЪМИНОТИ ТАРМОҒИДАН УЗИЛГАН. ҚАРЗДОРЛИКНИНГ ЯРМИДАН КўПИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН.

Бу «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти томонидан ўтказилган навбатдаги матбуот анжуманида маълум қилинди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда аҳоли орасида тўлов интизомини шакллантириш, марказлашган тоза ичимлик суви таъминоти тармоқлари ва оқова суви хизматларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш ҳамда хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан салмоқли ишлар бажарилмоқда. Лекин, юқори келтирилгани каби, сув таъминоти тармоқлариға ноқонуний уланиш ҳолатлари ҳамон кузатилаётгани таассуфли.

– Жорий йилда сув таъминоти тармоқлариға ноқонуний уланиш ҳамда сув таъминоти ва канализация хизматлари бўйича 117,6 минг нафар истеъмолчида жами 343 миллиард сўмлик маблағни ундириш мақсадида фуқаролик ва иқтисодий судларға тегишли ҳужжатлар тақдим этилди. – дейди «Ўзсувтаъминот» АЖ Ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов. – Шу жумладан, шартнома асосида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси орқали суд органлариға киритиш учун 301,6 миллиард сўмлик 70,2 мингта қарздор истеъмолчи ҳужжатлари тақдим этилган. Бугунги кунда Савдо-саноат палатасида 19,9 миллиард сўмлик 11,9 мингта иш ҳужжатлари кўриб чиқиш жараёнида турибди.

Эслатиб ўтамиз, сув таъминоти ва оқова сув тармоқлариға ўзбошимчалик билан уланишга нисбатан маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган бўлиб, қонунбузарларға белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилади.

Тоштемир МУРОД.

DASTUR VA IJRO



Ҳаммаси кўз ўнгимизда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сўнги беш йилда Сайловолди дастурини амалга оширишга қаратилган энг муҳим ташаббусларини таҳлил қилишда давом этамиз.

Бу гал ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим соҳаларидан саналган таълимдаги тенглик ҳамда тиббий хизматнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш йўлидаги фаолиятига назар ташлаймиз.

Партияimiz фаолларининг айтишича, бу йилги сайловга ХДП айнан ушбу йўналишларда бир қатор амалий натижалар билан кириб бормоқда.

Таълимда ижтимоий тенглик муҳим
Мамлакатда барча фуқаролар мактабга-ча, ўрта, олий таълим, шунингдек, касбий таълим олиши, малакасини ошириши учун тенг имкониятлар яратиш - бу ХДП Сайловолди дастури мақсадларидан бири эди. Бунда 6 ёшгача бўлган болаларни мажбурий мактабга таълим ва тарбия билан тўла қамраб олиш, мактаб ўқувчиларига жамоат транспортида бепул юриш ҳуқуқини тақдим этиш, барча мактаблар ва мактабга-ча таълим муассасаларида ўқувчилар ва тарбияланувчиларни соғлом озиқ-овқатлар билан кафолатли таъминлаш, олий таълим тизимидаги таълим шартномалари нархини оптималлаштириш каби тақлифлар илгари сурилганди.

Ҳўш, ушбу гоёя ва ташаббуслар қай даражада амалий тасдиғини топди?

– Ҳар бир соҳа ривожланиши, одамларга фойдаси тегиши учун уни доимий ислоҳ қилиб туриш керак, албатта. Очиги, неча йиллар давомида бизда мактабга-ча таълим соҳаси ҳам чуқур ислоҳотга муҳтож эди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Ойбарчин Абдуллаева. – Партияimiz дастурий мақсадларида мазкур йўналишларда муҳим вазифалар белгилангани депутат бўлиб сайланганимизнинг илк даврлариданоқ бизга тинчлик бермади. Чунки гап фарзандларимиз таълим-тарбияси, уларнинг келажаги ҳақида кетганда, бу масалага совуққонлик билан қарашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Масалан, “Мактабга-ча таълим ва тарбия тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги Қонунларда Ўзбекистон ХДП фракцияси тақлифларининг салмокқли қисми ҳисобга олинди. Хусусан, олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бир йил давомида бошланғич таълимга тайёрлашнинг мажбурийлиги қонуний жиҳатдан мустаҳкамланди.

2019 йили 6 ёшгача бўлган болаларни мактабга-ча таълим тизимида қамров даражаси 52 фоизни ташкил қилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 74 фоизга етган. Айни дамда республикаимизда жами 31 мингга яқин мактабга-ча таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг салкам 7 мингтаси давлат ва 24 мингтадан ортиғи нодавлат МТТ ҳисобланади.

Юртимизда 2025 йилга бориб 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар юз фоиз мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳларига қамраб олиниши режалаштирилган.

2023 йил 15 мартда Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаол иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Мактабга-ча таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонунида оилавий нодавлат мактабга-ча таълим ташкилотларининг фаолиятини тартибга солишни белгилловчи қўшимча меъёрлар жорий қилинди.

– Янги таҳрирдаги Конституция-мизда ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлашга қайд этилди. Боланинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланди, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров. – Шунингдек, 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун асосида Ўзбекистонда таълимнинг барча турлари тартибга солиниб, улар фаолиятининг қонуний асослари белгиланди.

Авалги сайловда тўлов-шартнома асосида таҳсил оладиган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига имтиёзли таълим кредитларини ажратиш бўйича билдирилган тақлифларни кўпчилик сайловчилар фаол қўллаб-қувватлаган эди. 2020 йилда 21 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ўқувчиларга имтиёзли таълим кредитларини тақдим этиш, шунингдек, кам таъминланган оилалардаги болалар, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган бо-

лаларнинг таълимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ўз ифодасини топди. Демак, ХДП қадамба-қадам мақсадига эришмоқда. Энг муҳими, тақлифларимиз ерда қолмапти. Нимага? Чунки биз сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини биринчи ўринга қўйиб, уларнинг манфаатини дадил туриб ҳимоя қиляпмиз. Мақсад ва интилиш бор жойда амалий натижа, албатта, бўй кўрсатади.

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки

АЛБАТТА, АМАЛИЙ ИШЛАР ЖУДА КўП. ЭНГ МУҳИМИ, БУ РЕАЛ ҲАЁТИМИЗДА, КўЗ ўНГИМИЗДА БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШМОҚДА. ДЕМАК, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВАЪДАСИНИ БАЖАРМОҚДА!

уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди. Эътибор берган бўлсангиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож бундай оила вакиллари учун олий таълим олишга шартин яратилган том маънода Халқ демократик партиясининг мақсадига тўла мос келади.

Ҳар йили 2 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга эҳтиёмманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилиши ҳам ЎзХДП фоярлига ҳамоҳангдир ва бу биз учун принципиал аҳамиятга эга масала бўлиб қолади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабаларини турар жой билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан олийгоҳга кирган Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчилари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га, “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”да турадиган йигит-қизларга биринчилар қаторида талабалар турар жойларидан жой ажратиш йўлга қўйилди.



Кўришиб турибдики, таълим соҳасидаги ислохотлар инсон капитални ривожлантиришга қаратилган. Бундай эзгулик йўлида аҳолининг муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани Ўзбекистон Халқ демократик партияси эришаётган ютуқлардан далолат беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул тақдим этиладиган мажбурий тиббий хизматлар рўйхатини қонун билан тасдиқлаш гоёси ўрин олган эди.

Тасаввур қилинг, йўлда кетаётган кишининг беҳосдан қон босими кўтарилди. Унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилмаса, ҳаёти худф остида қолади. Бундай шароитда ҳудуд яқин жойдаги тиббиёт муассасасига мурожаат қилиниши аниқ. Ушбу тиббий

2017-2023 йилларда Давлат Бюжети-дан соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилган маблағлар қарийб 3,9 баробар ошган.

Муҳтож одамлар керак пайтда зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Бу давлатнинг нафақат ижтимоий масъулияти, балки иқтисодий куч-қудрати ҳам халқимиз эҳтиёжларига муносиб даражада ошаётганини билдиради.

Факт ва далиллар, ислохотлар қўлами партияimiz дастурида белгиланган вази-фаларга босқичма-босқич эришилаётганини кўрсатмоқда. Яъни, мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, барча тиббиёт муассасаларида бепул мажбурий тиббий хизмат кўрсатишнинг белгиланиши давлат ва жамиятимизнинг яна бир ютуғи, ижтимоий ҳимоянинг муҳим кафолатидир.

– Ўтган йили партияimiz Марказий Кенгаши ташаббуси билан Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизими томонидан аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ўрганиш мақсадида назорат-таҳлил ишлари олиб борилди, – дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Боймурод Юсупов. – Партия депутатлик гуруҳлари томонидан чекка ҳудудлар, туман ва шаҳарларда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда кўрсатилаётган барча турдаги тиббий хизматлар сифати ҳар ойда ўрганилди.

Жамоатчилик назорати натижалари шуни кўрсатдики, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати сезиларли даражада яхшиланган. Аҳоли ўз ҳудудларидан чиқма-ган ҳолда малакали шифокорлар кўригидан ўтмоқда. Мураккаб жарроҳлик амалиётлари ҳам аксарият ҳолларда туманларда ўтказилмоқда.

Масалан, бугунги кунда Янгйер туманида аҳолига 1 та КТМП, 3 та оила шифокорлик пункти ва битта оилавий поликлиника томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатилмоқда. Ушбу туман вилоятда тиббий салохияти юқори ҳисобланади. Шунга қарамай, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар, камчиликлар ҳам мавжуд. Ўрганиш натижалари мутахассислар ишти-рокида муҳокама қилиниб, масалаларга ечим топиш мақсадида Янгйер шаҳар Кенгашининг сессиясига қўйилди.

Ўрганиш якунлари бўйича онлайн давра суҳбати ҳам ташкил этилди. Ҳудудда тор доирадаги мутахассислар - онкомаммолог, болалар логопед-дефектолог, аллерголог, фитизиаторлар етишмаслигини ҳал қилиш лозимлиги таъкидланди. Тиббиёт олийгоҳларида қабул қилишда ҳудуд талаб-эҳтиёжларини эътиборга олиб, қўшимча квоталар ажратилиш масаласи муҳокама қилинди. Биз масalani бир ҳудуд мисолида таҳлил қилдик. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

2023 ЙИЛ 15 МАРТДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНING ФАОЛ ИШТИРОКИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТўҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИДА ОИЛАВИЙ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚўШИМЧА МЕЪЁРЛАР ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ.

Соғлиқни сақлаш соҳасини дунё тажрибасига таянган ҳолда аҳоли талабларига мослаштириш муҳим жараён ҳисобланади. Бу ўринда тажриба тариқасида жорий этилаётган Давлат тиббий сўғурта тизими тиббиётимизда аҳоли саломатлиги учун ажратилаётган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга асос бўлади.

Мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, тиббий сўғуртани жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида “Давлат тиббий сўғурта тўғрисида”ги Қонун концепцияси ва лойиҳасини ишлаб чиқмоқда.

Агар эътибор берилса, кейинги йилларда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, хусусан, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни сифатли ва вақтида кўрсатиш билан боғлиқ ҳужжатлар қабул қилиниб, изчил ҳаётга жорий этилмоқда. Ўтган беш йилликда юртимизда аҳоли учун қулай яшаш шароитлари, ижтимоий барқарор муҳит асосларини яратиш, барча соҳаларда туб ислохотлар концепциясини ишлаб чиқиш даври бўлди, деб айта оламиз.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилиши парламент, халқ депутатлари Кенгашлари масъулияти ошишига ҳам бевосита боғлиқ. Айтилиши, партиянинг амалий Ҳаракат дастури доирасида ўтган давр мобайнида партия гуруҳлари томонидан пенсионерлар ва кам таъминланган аҳоли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, уларни бепул дори-дармонлар билан таъминлаш, патронаж хизмати кўрсатиш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилди. Мазкур масалага оид 463 та масала депутатлик гуруҳларида ва 295 та масала доимий комиссияларда, 152 та масала сессияларда кўриб қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Албатта, амалий ишлар жуда кўп. Энг муҳими, бу реал ҳаётимизда, кўз ўнгимизда босқичма-босқич амалга ошмоқда. Демак, Халқ демократик партияси ваъдасини бажармоқда!

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

TABIAT TILSIMOTLARI

3 МИНГ МЕТР БАЛАНДДАГИ
"ТУЯ ИЗИ"

Улкан ва азим тоғларга чиқиш учун 1 километрли махсус йўлакча қурилганини кўпчилик кўрмаган. 1 минг 300 га яқин зинапоёлар борлигини эшитмаганлар топилади орамизда. Денгиз сатҳидан 3 метр баланддаги қоятошда "туя изи" мавжудлигини тасаввур қилиш мушкул...

Хуллас, шов-шувларга сабаб бўлиб келаётган мўъжизали манзил сир-синаотлари билан танишиш мақсадида сўлим Сарийосиё томон йўл олдик. Туман марказидан қарийб 60 чақиримча юргандан кейин "Сангардак" қишлоғи қарши олди.

– Асида дунё тилсимотлардан иборат, – дейди бизга ҳамроҳлик қилаётган "Боғи-ширин" маҳалласи хотин-қизлар фаоли Дилшоода Ёрмаҳматова. – Ҳар қадамда бебаҳо неъматлардан баҳра оласиз. Бетакрор тоғлар кўзингизни қувнатса, хушхаво табиат дилларга хузур бахш этиши турган гап.

– "Туя изи"га пиёда чиқишга тўғри келади, – дейди Дилшоодахон баҳайбат чўққиларга назар ташлаб. – Бир соатларда етиб борсак керак. ...Яна бир гап: зиналарни санашни унутманг. Кимдир уни 1 минг 287 та деса, бошқалар янада кўп эканини айтади.

Эни 1 метрдан сал ортиқроқ йўлакча-

дан кўтарила бошладик. Йирик, ўртача ва кичикроқ бетон қопламали зиналар ўнгир ҳамда қияликларга мос жойлаштирилганига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Ҳаллослаган кўйи олға интиламиз. Онда-сонда сервикор тоғларга назар ташлаймиз. Одам кўп: кимдир пахта энаётган бўлса, аксарияти юқорилапти.

– Беш юзинчи зинага етдиларингиз, – дейди кўр ташлаб ўтирган Худойкул Мирзокулов ўзини таништиради. – Саксон бир ёшдаман, денг. "Сангардак" хавосидан нафас олиб улғайдим. Ҳар йили икки-уч марта келаман. Узига хос гашти ва таровати бор-да...

– Олти-етти йилча илгари жуда кам одам бўларди, – давом этади отахонимиз.

– Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан ҳудуд туризм масканига айланди. Мактаб, масжид, шифохона қад ростлади. Шундан бери меҳмон-у сайёҳлар қадами узилгани йўқ.

– Ҳали кўп юрамизми, отахон...

– Ҳа-ҳа. Яна ярим соатча йўл босиш керак.

Бироз нафас ростлаган киши бўлиб, тагин давом этамиз. Беш юз бир, беш юз икки... Бир минг бир юз эликдан ортиқ зинадан кейин "туя изи" чўққисига етдик.

Узунлиги – 50, эни эса 15-20 метрча келадиган кенг майдон. Сўл тарафда "Сангардак" кафтдек намоён бўлса, ўнг томондаги улкан қоялар бошингиз узра "осилиб" тургандек тасаввур уйғотади.

– Бир ҳафтадан буён Сурхондарёдаман, – дейди туркиялик Меҳмед Ораз жаноблари. – Кеча "Сангардак"ка келгандим. Мазали таомлар манзур бўлди, одамларнинг меҳмоннавозлигидан хурсандман, табиатнинг фусункорлигига қойил қолмасликнинг иложи йўқ...

– "Туя изи" анави қоятошда "муҳрланган", – дейди "Нилу" маҳалласида истиқо-


мат қилувчи Шерали Ниёзов биз томон назар ташларкан. – Ана, рўпарада. Айланаси ярим метр, чуқурлиги эса 7-10 сантиметрли "чуқурча". Бир қарашда туянинг олд оёғининг изига ёнбошдан разм солганда орқа оёғининг изига ўхшайди.

– Хўш, зиналар сони қанча экан, – дейди Дилшоодахон қувноқ кайфиятда. – Мен 1 минг 152 та санадим. Кимдир уларни 1 минг 160, бошқа биров эса 1 минг 167 та-лигини айтиб ўтди.

– Ҳали улкан чўққи тўлиқ "забт" этилгани йўқ, – давом этади йўл бошловчимиз. – Яна юз метрча кўтарилиш керак. Шунда "туя изи"да 1 минг 300 га яқин зина борлигига амин бўласиз.

Ортга қайтар эканмиз, борлиқнинг бебаҳо бойликлари, шабаданинг танага хузур бахш этиши, булоқларининг саси, зилол сувларнинг шалдираши, доривор гиёҳларнинг муаттар хиди-ю, сайроқи қушларнинг бетакрор овозини яна бир туйгандек бўлдик...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



"МАЙМУН ЧЕЧАГИ" ҚАНЧАЛИК ХАВФЛИ?

КЕЙИНГИ ВАҚТЛАРДА "ЯНГИ" КАСАЛЛИК ПАЙДО БЎЛГАНИ, У ҲАМ COVID СИНГАРИ ИНСОНИАТГА ХАВФ СОЛИШИ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА МУҲОКАМАЛАР БЎЛМОҚДА. ХЎШ ЎЗИ "МАЙМУН ЧЕЧАГИ" ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

МАЙМУН ЧЕЧАГИ — ВИРУСЛИ КАСАЛЛИК БЎЛИБ, ОДАТДА ТАБИЙ ЧЕЧАККА НИСБАТАН ЕНГИЛРОҚ КЕЧАДИ. КАСАЛЛИК ИСИТМА, ҚАТТИҚ БОШ ОҒРИГИ, ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ, БЕЛ ВА МУШАКЛАРДАГИ ОҒРИҚ, КУЧЛИ ҲОЛСИЗЛИК КАБИ АЛОМАТЛАР БИЛАН КЕЧАДИ.

Беморда иситма чиқиб бир ёки уч кун ўтгач тошмалар пайдо бўла бошлайди. Тошмалар асосан юз, қўл ва оёқ қисмларида, шунингдек, шиллиқ пардалар, жинсий аъзолар ва кўзларда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан тошманинг кўриниши ўзгаради ва суюқлик тўлган пуфакчаларга айланади. Одатда одамлар 2–4 ҳафта ичида тузалиб кетади, аммо ўлим ҳолатлари ҳам қайд этилиши мумкин.

Маълумот учун, бу касаллик катта ёшдаги фуқароларда аниқланмайди. Ёш болаларда эса касалликка чалиниш эҳтимоли бор.

Бу касаллик Африка қитъасининг узок ҳудудлари учун одатий бўлса-да, 2022 йилга келиб Европада қайд этилгани ва бошқа давлатларда ҳам учрай бошлагани кутилмаган ҳол бўлди. "Маймун чечаги" касаллиги Италия, Британия, Испания, Бельгия, Франция, Швеция, Австралия ва Канадада аниқланди. Натижада жорий йилнинг 14 август кунини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Африкада тарқалаётган "маймун чечаги"нинг "Clade 1b" штаммининг янги тўлқини туфайли соғлиқни сақлаш бўйича фавқулодда ҳолат эълон қилди.



Бу борада Ўзбекистонда нима ишлар олиб борилмоқда?

АОКАда ўтказилган брифингда Санэпидкўмига бошқарма бошлиғи Рустамжон Икрамов маълум қилишича, республикага "маймун чечаги" касаллиги кириб келган тақдирда амалга ошириладиган ишлар юзасидан тайёргарлик чоралари кўрилган. Жумладан, Юқумли касалликлар шифохонасида шифо ўринлари, зарур дори воситалари захираси ташкил этилди.

Касалликка чалинган бемор

билан мулоқотда бўлганларни 21 кун мобайнида тиббий кузатувини ташкил этиш белгиланди.

Касалликнинг четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш борасида халқаро аэропортларда, темир йўл ва автомобиль йўллари орқали чегара кесиб ўтган жойларда санитария назорати пунктлари

мутахассисларининг хушёрлиги оширилди.

"Маймун чечаги" касаллигининг этиологияси, клиникаси, эпидемиологияси ва профилактикаси бўйича услубий қўлланма асосида мутахассисларнинг малакаси оширилди.

Касалликни лаборатор аниқлаш учун тест-диагностикум захираси яратилмоқда.

Шунингдек, ҳозирда "маймун чечаги"нинг энгил тури кузатилмоқда. Африка мамлакатларида бу касалликдан ўлим даражаси 3,6% ни ташкил қилади.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

"Қўғирчоқ театри санъати" кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1). "Вокал" кафедрасига доцент (2). "Чолғу ижрочилиги ва мусиқа назарияси" кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1). "Ижтимоий-гуманитар ва педагогика" кафедрасига доцент (1). "Фольклор ва этнография" кафедрасига ўқитувчи (1). "Драматик театр ва кино санъати" кафедрасига доцент (2), ўқитувчи (1). "Саъятшунослик" кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1). "Миллий қўшиқчилик" кафедрасига профессор (2), доцент (1). "Мусиқали театр санъати" кафедрасига катта ўқитувчи (2). "Жаҳон тиллари ва адабиёти" кафедрасига ўқитувчи (1). "Саҳна нутқи" кафедрасига катта ўқитувчи (1). "Маданият ва санъат менежменти" кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1). "Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати" кафедрасига доцент (1). "Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги" кафедрасига ўқитувчи (1). "Кутубхона-ахборот хизматлари" кафедрасига катта ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4. Паспорт ёки ID нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой мuddатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 "а" уй.

Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11



MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATI K PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Ulug'bek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihidin MUHIDDINOV

Hayotxon ORTIQBOYEVA

Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 837. 3311 нусxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.